



Н. НАЗАРБАЕВ NUR OTANНИ ҒАЛАБА БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Соат 00.00да Exit-poll натижалари әтқон қиңингач, Қозғистон Республикасыннан Тұнғич Президенти Нұрсултан Назарбаев Nur Otan партиясыннан республика сайловолди штабига борди, дея хабар беради Элбошининг матбуот хизмати.

Exit-poll натижаларига күра, Nur Otan партияси 72,01 фоиз овоз олгани маълум бўлди.

– Барчангизни Nur Otan партиясыннан ёрқин ғалабаси билан табриклайман. Exit-pollнинг дастлабки натижалари қозғистонликлар ўз келажагини партиямиз билан бирга тасаввур қилаётганини кўрсатди. Маълумки, 30 йиллик мустақиллик даврида муваффакиятли ишлар амалга оширилди. Энг асосий – янги мақсадларга пойдевор кўйилди, – деди Элбоши.

Nur Otan партиясыннан раиси сайловолди таргигит-ташвиқт мавсуми ва сайлов пандемия ва унинг оқибатларидан юзага келган иқтисодий танглик шароитида ўтганини айтди.

– Дунёда коронавирус юқтирганлар сони ортиб бормоқда. Бутунжаҳон банки дунё иқтисодиётін инқизорга юз тутиб, ишсизлик ортишини башорат қимлоқда. Бундай шароитда ягона сиёсий куч атрофига бириккан жамиятгина муваффакиятга эришади, – деди Қозғистон Тұнғич Президенти.

Нұрсултан Назарбаев бугунги муваффакият жамоа бўлиб бажарилган иш ҳамда ҳар бир партия аъзосининг захматли меҳнати натижаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Egemen.kz

ҚОЗҒИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ҮТДИ

Қозғистонда Парламент Мажилиси ва маҳаллий маслаҳатлар депутатлари сайлови якунланди.

Қозғистон Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, мамлакатнинг 12 вилоятида сайлов участкалари Нұр-Султан вакти билан соат 20:00да, 5та худудда эса соат 21:00да ёпилган. Шундай қилиб, навбатдаги сайлов компанияси муносабати билан очилган 12та вилоятдаги 8141та ва 5та худуддаги 1853та сайлов участкалари ўз ишини якунлади. Бундан ташқари, сайловчилар Қозғистоннинг 53та хорижий давлатдаги ваколатхоналарида очилган 66ta сайлов участкасининг 10тасида овоз беришди. Айни пайтда бошқа мамлакатларда овоз бериш ҳамон давом этмоқда. АҚШ ва Канададаги Қозғистон фуқаролари 11 январь куни Нұр-Султан вакти билан соат 07:00да овоз беришни тұтқатадилар.

Таъкидлаш жоизки, вилоятлар, республика ахамиятига молик шаҳарлар ва пойтахт сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, соат 20:00га қадар рўйхатдаги жами сайловчиликтарнинг 63,1 фоизи овоз берган.

«Егемен Қазақстан».

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

**Жанубий
Қозғистон**

TURKISTAN
janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 12 январь, сешанба. №3 (2908).

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ



**“ДЕМОКРАТИЯ
ИНСТИТУТИ”
ОЛИБ БОРГАН
EXIT POLL
НАТИЖАЛАРИ
ЭЪЛОН
ҚИЛИНДИ**

“Демократия институти” олиб борган Exit poll натижалари бўйича ҚР Парламент ва маслаҳатлар депутатлари сайловида Nur Otan партияси сайловчиларнинг 72,01 фоиз овозига эга бўлди.

Exit poll натижалари қуйидагича:
“Ауыл” ҳалқ демократик ватанпарварлик партияси – 4,93 фоиз; Nur Otan партияси – 72,01 фоиз; “ADAL” сиёсий партияси – 3,25 фоиз; Қозғистоннинг “Ақ жол” демократик партияси – 10,27 фоиз; Қозғистоннинг Халқ партияси – 9,54 фоизга эга бўлди.

“Егемен Қазақстан”.

БИР КУНДА 100ДАН ЗИЁД ЧАҚАЛОҚ ДУНЁ ЭШИГИНИ ОЧДИ

Түркестон вилоятида куни кече 102 нафар гўдак дунёга келиб, туғилиши бўйича рекорд қайд этилди. Уларнинг ярмидан зиёди, яъни 57 нафари қиз болалар. Буни вилоят ижтимоий саломатлик башқармаси маълум қилди.

Мутахассисларнинг айтишича, бу муқаддам бўлмаган ҳолат. Түркестон вилояти туғруқхоналарида ҳам аёллар сайловга иштирок этишапти. Улар эрталабки 7дан овоз беришни бошлишди. Таъкидлаш жоизки, сайлов куни Түркестон вилоятида дунёга келган болаларга энг кўп кўйилган исмлар – Сайлов, Сайловгул, Нұрсултан, Қасим-Жұмарт экан. Түркестонлик оналар фарзанд қувончлари Мажлис ва маслаҳатлар депутатларининг сайлови билан уйғунлашганини эътироф этишмоқда.

Сайлов Түркестон вилотининг барча туғруқхоналарида ўтди. Унга уч юздан зиёд ҳомиладор ва туққан аёллар иштирок этиб, фуқаролик мажбуриятларига масъул эканликларини исботлашди.

Умуман Түркестон вилояти бўйича йилига 100 мингга яқин бола дунёга келади. Бу республика бўйича энг юқори кўрсаткич, бир кеча-кундузда минтақада 50-60 нафар гўдак туғилади.

Түркестон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев ҚР Парламенти ва маҳаллий маслаҳатлар депутатлари сайловида овоз берди, дея хабар беради Kazinform мухбири.

ҚР Президенти Қ. Тұқаев пойтахтдаги 58-сонли Үқувчилар саройида жойлашган сайлов участкасига келиб, ўз танловини амалга ошириди.

– Ушбу сайлов мамлакатимизда демократияни ривожлантириш йўлидаги яна бир қадам бўлиши керак. Ҳар бир сайлов фуқаролик жамияти тараққиётининг синовидир. Парламентимизда турли партияларнинг фаолият юритиши – юртимиз тараққиётига хизмат қиласи, – деди Давлат раҳбари ОАВ вакиллари билан сұхбатда.

ҚозАхборот.

ФАХРИЙЛАР САЙЛОВДА ФАОЛ



Юртимиз ички ишлар органларининг фахрий, истеъфодаги полиция подколковники, фронторти фахрий, 95 ёшдаги Сайрам туманининг фахрий фуқароси Тошхұжа Оташев сайлов участкасига шахсан келиб, овоз берди. Отакон ёрқин келажакка овоз бергандыгыни айтди.

– Ватанпарвар фуқаро сифатида ҳеч бир замонда сайловдан қолган эмасман. Ҳамасбларимга, болаларимга ҳам маслаҳатим, сайлов – ўзингни фуқаро сифатида шакллантиришнинг дастлабки зинасидир. Биз ўз келажагимизга масъулият билан ёндошишга мажбурмиз, – деди истеъфодаги подполковник.

Түркестон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ҮМИРЗАҚ ШҮКЕЕВ ОВОЗ БЕРДИ

ҚР Парламенти Мажлиси ва барча даражадаги маслаҳат депутатлари сайлови Туркистан вилоятида эрталаб соат 7.00да бошланды.

Вилоят ҳокими Үмирзақ Шүкеев Туркистан шаҳридаги 133-сонли сайлов участкасида овоз берди.

ОАВ вакилларига берган мусоҳабасида минтақа раҳбари Парламент Мажлиси ва маслаҳат депутатлари сайлов элемиззининг янги тарихидаги муҳим давр эканлигини таъкидлади.

— Бугунги кун элемиз учун ўта муҳим. Давлат келажагини шакллантирадиган улкан сиёсий тадбир ўтмоқда. Бу – жуда ўзгача сайлов, чунки партияи тизим асосида шаффооф ва рақобатбардошик руҳида ўтказилмоқда. Шу боис, Туркистан вилояти фуқароларини Конституцияи хукукларидан фойдаланиб, овоз беришга чақираман. Ушбу сайлов элемиззининг көлгуси йиллардаги келажагини белгилаб берадиган улкан тадбир. Сайловда фаол иштирок этиш – ҳар бир

фуқаронинг бурчи деб биламан, – деди вилоят ҳокими.

Маданият уида жойлашган 133-сонли сайлов участкасида 2008 овоз берувчи рўйхатдан ўтган. Бу ерда Ўзбекистон Республикасидан маҳсус ташриф буюрган бир гуруҳ ҳалқаро назоратчи иштирок этди. Сайлов жараёнини 7 нафар кузатувчи назорат килди. Участкада барча санитария талабларига риоя қилиниб, киравериша тана ҳарорати ўлчаниб, бепул ниқоб ва кўлқоплар тарқатиди.

Конституцияи муддатга мос ўтаётган Мажлис сайловида юртимизда рўйхатдан ўтган 5ta сиёсий партия, чунончи, "Ауыл" ҳалқ демократик партияси, Nur Otan партияси, "ADAL" сиёсий

партияси, Қозоғистоннинг "Ақ жўл" демократик партияси ҳамда "Қозоғистон Ҳалқ партияси" депутатлик мандатдан умидвор. Ушбу партиялар барча даражадаги маҳаллий маслаҳатларга ҳам ўз номзодларини тавсия килган.

Туркистан вилоятида сайловчиларга барча шароитлар мухайё 911та участка фаолият юритди. Эрталабдан фуқаролар фаол овоз беришни бошлади. Вилоятда жами 1 160 138 сайловчи бор. Туркистан вилоят худудий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, минтақада 17та худудий сайлов комиссиясининг 119 комиссия аъзоси ва 911та участка сайлов комиссияларининг 6193 нафар аъзоси бор.

Туркистан вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.



ЯНГИ КАСБНИ ЎЗЛАШТИРАЁТГАНЛАР

Давлат дастури доирасида малякасини ошириб, янги иш очишини кўзлаётганлар орасида сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, косметология, электромонтёр, автомеханик, тикувчилик, ўймакорлик, новвойхона ва бошқа соҳаларига эҳтиёж кун сайнин ортиб бормоқда. Ёш тадбиркорлар ҳам айнан ўша касбларни танлашмоқда.

Туркистан вилоятида самарали бандлик ва оммавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган "Енбек" давлат дастури иштирокчиларга давлат грантлари берилмоқда. Шу жумладан, Кентов шаҳрида "Бастау Бизнес" лойиҳаси доирасида тадбиркорлик асослари курсларини 300 талағор туттаган. Даромади кам ва кўп болали оиласарга, меҳнатга

лаёқатли ногиронлар ва ёшларга янги бизнес-фояларини амалга ошириш учун 166680 минг тенгени грант сифатида бериш рёжаланганди.

"Бандликнинг йўл ҳаритаси" дастури доирасида 66ta лойиҳа ҳётга татбиқ этилиб, 1463 киши домий иш билан таъминланган. Уларнинг асосий қисми аҳоли бандлиги маркази орқали ишга жойлаштирилади.

ТУМАНДА 600ДАН ЗИЁД ГРАНТ БЕРИЛГАН

Тулкибош туманида 2020 йили оммавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги бизнес фояларини амалга оширишга ажратилган давлат гранти 616 фуқарога берилган. Шу жумладан, улардан 98 нафари олинган маблағни томорқасида томчилатиб сугориш ускунасини ўрнатишга сарфлаган. Қолган фуқаролар шахсий бизнесларини очишган.

Бундан ташқари, "Натижали бандлик ва оммавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган давлат дастури" доирасида "Бандликнинг мажмуавий режаси" бўйича туманда ўтган йили 2676 фуқарога ижтимоий кўллов кўрсатилди. Шунингдек, ушбу дастур доирасида 620 фуқаро касбий таълим олса, 154 киши ижтимоий иш ўринларида, 245 нафар фуқаро "ёшлар тажрибаси"га жалб этилган.

ЧОРДАРА: ИНФРАТУЗИЛМА ЯНГИЛАНМОҚДА

Чордара шаҳридаги узунлиги 12 чақиримдан зиёд бта кўча маҳаллий бюджет ҳисобидан тўла таъмирланди. Шунингдек, "Овул – эл бешиги" дастури доирасида республика бюджети маблағи ҳисобидан 465 млн. тенге ажратилиб, узунлиги 18 чақиримни ташкил этадиган жами 21та кўчага ўрта таъмирлаш ишларини юритиш рёжаланган. Алатау, Кўксу қишлоқ округларидаги бу кўчалар фойдаланишга топширилди.

Узунлиги 20 чақиримни ташкил этадиган 9ta кўчага ўйл белгилари ўрнатилмоқда.

Газлаштириш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб бо-

рилмоқда. 2 мингдан зиёд аҳолиси бор 25ta аҳоли манзилининг еттитаси табии газга уланган (34 фоиз). Шунингдек, Кўксу, Кўссейт қишлоқларини табии газга улаш кутилмоқда.

Туркистан вилоятида туманлар ва аҳоли манзиллари тараққиётига ижобий жўшқинлик берадиган 67ta лойиҳа амалга ошмоқда. Улар доирасида 2021 йили Сарифоҷ, Жетисай, Мақтаарал, Келес ҳамда Сайрам туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўзланган.

Туркистан вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ФАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

85 МИНГ ЎҚУВЧИГА ҚОЗОҒИСОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КОМПЬЮТЕРЛАР БЕРИЛДИ

2020 йилда Қозоғистонда ишлаб чиқарилган 85 267ta компютер мактаб ўқувчиларига топширилди. Бу ҳақда Қозоғистоннинг Рақамли ривожланиши, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги маълум қилди.

Вазирлик Ҳукумат кўмагида саккизта маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган 85 267ta компютерни мактаб ўқувчиларига топшириди. Идора маълумотларига кўра, ҳукумат захирасидан ажратилган маблағга 74711 дона компютер ускуналарини етказиб бериш бўйича 4ta маҳаллий ишлаб чиқарувчи («Логиком» АЖ, «Киров атындағы зауыт» АЖ, «Атеко» МЧЖ ва «РОМ Компьютерлік орталығы») билан шартномалар тузилган. Ушбу келишувлар туфайли компаниялар 160ta янги иш ўринларини яратди ва ишлаб чиқариши ўтган йилга нисбатан 2,5 баравардан кўпроқ (5,5 млрд. тенгега) оширилар.

Бугунги кунга қадар маҳаллий ишлаб чиқарувчи компютер ускуналарини етказиб бериш бўйича барча шартномаларни тўлиқ бажардилар. «Қисқа муддат, таркибий қисмларнинг етишмаслиги ва логистика муаммоларига қарамай, аксарият маҳаллий компаниялар барча мажбуриятларни муддатида бажариш учун ҳаракат қилиши. Бундан ташқари, фойдаланувчилар томонидан маҳсулот сифати юзасидан шикоятлар бўлмаган, чунки, катта тажрибага эга ва маҳсулотларни синовдан ўтказиш учун зарур ускуналари мавжуд ушбу компаниялар З йилгача сифат кафолати билан таъминладилар», дейилади вазирлик хабарида.

24kz.

● Аҳоли бандлиги – турмуш фаровонлиги



Вилоят ҳокими Үмирзақ Шүкеевнинг топшириги билан "Аҳоли бандлигини таъминлаш маркази"нинг фаолиятини назорат қилинди. Вилоят марказида жойлашган "Аҳоли бандлигини таъминлаш маркази" ходимларининг олдига назорат камералари ўрнатилди. Ушбу тизим фаолияти билан таништириш мақсадида ОАВ вакиллари учун матбуот сафари ташкил этилди.

ЗАМОНАГА МОС ФАОЛИЯТ

Жами 18ta овоз ёзадиган назорат камераси қабул бўлимига ўрнатилган бўлса, 10ta назорат камераси сунъий заковат тизимига уланган. Замонавий назорат тизими орқали иш олувчи билан иш берувчи орасидаги суҳбат онлайн тартибда <http://www.turkistan2020.kz> – сайтида намойиш этилади. Мутахассислар иш олувчиларнинг суҳбати ёзиб борилиши ҳамда онлайн шаклда барча фуқаролар кўра олиши ҳақида огоҳлантирилиб, унинг рухсасти олиниди.

Вилоят марказидаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш

маркази"да икки сменада 18 ходим фаолият юритади. Марказда жами 8 хил давлат хизмати кўрсатилади. Шунингдек, 2020 йилнинг 20 декабридан эътиборан ишга туширилган "109 ягона алоқа марказида" айни пайтда 10207 ариза қабул қилиниб, унинг 10141таси ижобий ечинини топган. Қолган 66 ариза бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Аҳоли аризасини қабул қилидиган, замонавий техникалар билан жиҳозланган марказ мутахассислари туркистонликларга кулагида яратиш мақсадида туну-кун узлуксиз хизмат кўрсатади.

Аризалар энг кўп қўлланиладиган барча ижтимоий тармоклар орқали ҳам қабулланмоқда. Қўнгироқлар бепул.

Туркистан шаҳри ҳокими Рашид Аюповнинг таъкидлашича, аҳолидан келган аризаларнинг 25-30 фоизи аниқлашни тақозо этади.

Матбуот анжуманини ўтказган шаҳар ҳокими журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

ИЛГОР ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Туркестон вилоят тида "COVID-19" эпидемиясига қарши курашда жонбозлик күрсатган бир гурұх тиббиёт ходимлари тақдирланы. Вилоят бош шифокори Марат Пашимов мінтақада эпидемиологик ҳолатни барқарорлаштиришга улкан ҳисса құшган тиббиёт ходимларига миннэтдорчылық билдириб, шарафли ишларыда зафарлар тилади.

Тантанали тадбирда вилоят клиника шифохонаси шифокори Вячеслав Цой – "Әңг яхши шифокор", Туркестон шаҳар марказы шифохонаси ҳамшираси Элмира Сейитова – "Әңг яхши ҳамшира" деб әзілон қилинди. 1-сонли вилоят

перинатал марказы эса "Әңг яхши тиббиёт муассасаси" номинацияси ғолиби бўлди.

– Дунёни таҳликаға соглан коронавирус касаллиги мамлакатимизга ҳам катта хавф туғидри. Ўтган ийл ҳамюрларимиз учун жуда оғир келди, айниқса, соғликни сақлаш соҳаси ходимларига ҳар томонлама қийин бўлди. Уни ҳамжиҳатлиқда, бир ёқадан бош чиқарип, жиловладик. Бу мукофотни барча ҳамкасларим учун берилган, деб биламан, – деди Элмира Сейитова.

Вилоят мінтақавий коммуникациялар хизмати.

Янги ийл байрами арафасида Сайрам туманида ташкил этилган "Адал көмек" ҳайрия жамғармаси аъзолари жамғарма директори ўринбосари Қайнарбек Раимқұлов раҳбарлигидаги тумандаги 200та кам таъминланган оиласа озиқ-овқат саватини тарқатишиди.

Жамғарма таркибидаги саховатпеша инсонларга ҳамюрларни миннэтдорчылық билдиришмоқда.

"Жанубий Қозоғистон" мухбири.

ЯХШИ ИНСОНЛАР КҮПАЯВЕРСИН



● Туркестон ва Алишер Навоий

УЛУҒЛАРДАН ИБРАТ ОЛИБ...

Мен 1960 ийли Тошкентдаги Республика маданият-оқартив техникумининг режиссёрлик бўлимига ўқишига кирган кунимдан бошлаб, Тошкент давлат Маданият институтининг театр режиссёрлиги бўлимида ўқиб юрган пайтларимда Ҳамза номли академик ўзбек драма театрида намойиш этилган «Алишер Навоий» спектаклини кўп бора зўр қизиқиш билан томоша қилганман. Фазал мулкининг султони, буюк аллома, адопатпарвар давлат арбоби, соғ муҳаббат соҳиби Навоий ролини СССР ҳалқ артисти Олим Ҳўжаев зўр маҳорат билан ижро этган.

У саҳнада Навоийнинг юксак инсоний фазилатларини тўлақонли очиб берган эди. О. Ҳўжаев улуғвор қиёфаси, ўтқир, ўта равон саҳна нутқи билан Навоий образини яратса олган. Ўша кезда менга Ҳамза театридаги спектаклларнинг репетицияларини, янги спектаклларнинг премьералари ва театр репертуаридаги спектаклларни томоша қилишимга махсус руҳсатнома берилди. Шу боис Ҳамза театрида намойиш этилаётган спектаклларнинг аксариятини томоша қилдим. Бу театрда Ўзбекистоннинг әңг моҳир актёр ва режиссёrlари, том маънода маданият ва санъат дарғалари фаолият юритарди.

Театрга, актёрлик санъатига қизиқишим «Отелло» фожеасидан Аброр Ҳидоятов ижросидаги радиоспектаклини тинглашимдан бошланган эди. Худоато этган ажойиб истеъодд, юксак савиядаги жисмоний ва руҳий куч, ички изтироблар уйғунлиги! Мен ҳам шундай буюк актёр бўлишни орзу қилидим. Лекин, санъат йўли менинг хаёлимдагидек осон йўл эмас экан. Аброр Ҳидоятовни, унинг саҳнада ўйнаган ролларини томоша қилиш бизга насиб қилмади, у киши эртароқ оламдан ўтиб кетган эди, бирор мен у кишини гойибона ўзимга устоз деб қабул қилдим. Ҳамза театрида Олим Ҳўжаев

билан бир сафда СССР ҳалқ артистлари Сора Эшонтўраева (1951), Шукур Бурхонов (1957), Наби Раҳимов (1964), Зикир Мұхаммаджонов (1977), Ёқуб Аҳмедов (1991), Ўзбекистон ҳалқ артистлари Лутфулла Назрullaев, Обид Жалилов, Фани Аъзамов, Қудрат Ҳўжаев ва бошқалар меҳнат қилдилар. Репетициялар тушдан кейин бошланарди. Мен ўқишдан бўшаган пайтларимда келиб, уларни томоша қилардим.

Мен Алишер Навоийнинг кўплаб ғазалларини севиб ўқиғанман, чунончи, «Алишер Навоий» драмасидан Навоий монологини маромига етказиб ўқиб, устоzlаримнинг мақтавига сазовор бўлғанман. Сўнг «Бой или хизматчи» драмасидан Фофур монологини, «Отель» фожеасидан Отелло монологини, «Гамлет» фожеасидан Гамлет монологини, арман шоури Исаакяннинг «Она юраги» шеърини, Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонидан парчалар, Миртемирнинг «Қозоғим», Абдулла Ориповнинг «Муножот»ни тинглаб» шеърларини, Ҳофиз Шерозийнинг «Аёсоқий...» деб бошланадиган фазалини, Ўзбекистон ҳалқ артисти Эркин Комилов ўқийдиган «Ҳеч кимса танламас отанани...» деб бошланадиган шеърини ифодали ўқиғанман. Навоий ҳаёти давомида шеъриятнинг барча жанрларини янги тараққиёт босқичига кўтарди. Эзгулик, юксак инсонпарварлик, бунёдкорлик, дўстлик, тотувлик, меҳнатсеварлик, соғ ва покиза муҳаббат хислатларини муқаммал ижоди билан қаҳрамонлари образларидаги шакллантира олди. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари мангулика даҳлор Навоий кенг қамровли ижодида ёмонлик, зулм-зўравонлик, хиёнат, ёлғон, ҳасад, такаббурлик, жаҳолат, ялқовлик, танбаллик, кибр, таъма сингари иллатларни кескин танқид қилган. Бу мавзулар ҳаётийлиги билан бугунги кунда ҳам долзарбди. Навоийни ўқисак, ўргансак, унинг ижодида улуғланган юксак фазилатларни амалда



рўёбга оширсан, жамиятимизнинг маънавияти юксалади.

Ўтган ийли буюк Навоийни устозим деб билган улуг Абай иили сифатида мамлакатимизда кенг нишонланди. Ёш авлодга Навоий асарларидаги гояларни ўргата олсан, шу йўлда муваффақиятга эриша олсан, буюк мутафаккирнинг руҳларини шод этган бўламиз, деб ўйлайман. Маънавият, қадрият, эзгуликлар оқсан бораётган бугунги жамиятимизда бунинг аҳамияти катта.

ҚР Президенти Қ. Тўқаев ўзининг қатор мақола ва давлат дастурларида маънавият, ёшлар тарбияси, жамиятдаги нуқсонларни бартараф этишда аллома ижодкорлар ижодидаги хазиналарни ўрганиш даркорлигини бежиз таъкидламади.

Ёшлигимда таникли актёр бўлиш, катта саҳналарда улуг ижодкорлар асарлари асосида маҳоратли роллар яратишдек оддий ҳамда олий орзу-ниятларим бўлган эди. Оилавий шароитим туфайли менга катта саҳналарда роль ижро этиш насиб қилмади. Бироқ, ҳеч қачон ҳаётимдан нолимайман. Худога беадад шукурлар бўлсинки, умрим зое ўтмади. Тошкентда бўлмаса ҳам, қадрдан Эски Иқонимизда санъат, маънавият, маъмурият соҳаларида меҳнат қилиб, эл эъзозида бўлганим учун Аллоҳга беадад шукурлар бўлсин.

Қишлоғимизда 1976 ийли 14 январда фойдаланишга берилган иккى қаватли муҳташам Маданият саройига директор этиб

тайинландим. Бу лавозимда 12 ийл самарали ишлаганимдан сўнг депутат бўлғанлигим сабабли, 1987 ийл 2 июлдан бошлаб муқобил сайлов бўйича Эски Иқон қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари этиб сайландим, сўнгра маъмурӣ бошқарувга ўтгач, қишлоқ ҳокимининг ўринбосари вазифасига тайинландим. 2002 ийлнинг 3 июндан бошлаб Маданият саройига яна директор бўлиб тайинландим.

2007 ийл нафақага чиққунга қадар 5 ийл давомида Маданият саройи фаолиятининг, умуман, қишлоқ маданиятнинг энг юксак даражага кўтарилган даври бўлди. Турли мавзуларда маданий-оммавий тадбирлар уюштирилди. Бу маскан республикамизда пешқадам Маданият саройлари қаторидан ўрин олди. Йиллар давомида таъмирланмай, яроқсиз ҳолатга келиб қолган Маданият саройи биносини саклаб қолиш ва келажак авлодга етказиш муаммоси кўндаланг бўлиб турган (мухақиссларнинг ҳисоби бўйича ўша 2005 ийлда бинонинг қиймати 500 миллион тенгега баҳоланган) эди. Мутасадди ташкилотларга ёзма мурожаат, елиб-юғуршилар билан маблағ топиб, таъмирлаб, уни сақлаб қолишига муваффақ бўлдик. Бу бино бугунги ва келажак авлодларга ҳали кўп хизмат қилади.

Шу ишда шахсий ҳиссам борлигидан баҳтлиман. Юқорида баён этилган хизматларимизни ҳисобга олиб, 2006 ийли Жанубий Қозоғистон вилоят ҳокими нинг Фахрий ёрлиги билан мукофотландим. 2006 ийл сентябрь ойида ҳамюрларим орасида биринчилардан бўлиб «Қозоғистон Республикасининг Маданият арбоби» юксак унвонига сазовор бўлдим. Қозоғистон Республикаси ўзбеклари «Дўстлик» ҳамжамиятининг олий мукофоти – «Жамоат фахрий» унвони билан тақдирландим. Нафақага чиққанимдан кейинги жамоат ишларидаги самарали фаолиятим учун «Туркестон шаҳрининг Фахрий фуқароси», «Туркестон шаҳрининг Фахрий оқсоқоли», «Туркестон вилоятининг ибратли фуқароси» унвонлари ва кўплаб Фахрий ёрликлар, Ташакурномалар, Сертификатлар билан тақдирландим. 2012 ийлнинг май ойидан Туркестон шаҳар Оқсоқоллар ҳайъатининг, Туркестон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошибидаги Оқсоқоллар кенгашининг, 2018 ийлнинг сентябрь ойидан Туркестон вилоят Оқсоқоллар ҳайъати аъзосиман. Яқиндагина вилоят маркази расмий нашри «Тўркістан» газетасининг 90 ийллик юбилеи нишонланди.


Жорий ийлда эса ҚР Мустақиллиги ҳамда вилоят «Жанубий Қозоғистон» газетасининг 30 ийллик юбилеи бақамти келди. Мен қатор ийллар давомида «Жанубий Қозоғистон» газетасининг 20 нусхасини ҳамқишлоқларимга ёздириб ташкилий ҳомийлик химматини кўрсатаётганим, давлатимиз томонидан чоп этилаётган ушбу қадрли нашрга бўлган эҳтиромим белгисидир.

Таваллудига 580 ийл тўлаётган Алишер Навоийдек буюк бобомиз яратган ўзбек адабий тилида нашр этилаётган «Жанубий Қозоғистон» газетаси барчамиз учун ҳамиша азиз ва ардоқлидир.

Ирисқул АББОСОВ,
ҚР Маданият арбоби,
Туркестон шаҳрининг
Фахрий фуқароси.



БУЮК ДАШТИНГ ЕТТИ ҚИРРАСИ



Тошкентдаги Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик қўлзёзмалар институти олимларининг далолатномалари асосида шундай хулоса чиқарилди. Қишлоқдаги энг катта мактабга Аҳмад Югнакий номи берилишида зиёлларимиз, айниқса, тарих фани ўқитувчиси Мирзахон Паллиев ҳамда шу вақтдаги мактаб директори Поччахон Дадашев каби инсонларнинг хизматлари бекиёс. М. Паллиев Югнак қишлоғи тарихи ҳақида рисола ёзган. Маориф соҳаси фахрийлари Тошпўлат Зойитхонов, Тўлқин Абубакиров каби инсонларнинг хотиралари асосида қатор муҳим маълумотларга эга бўлдик.

1943 йили қишлоқка месхети туркварининг 33 оиласи кўчириб олиб келинган. Кейинчалик улар Туркистондаги пахта заводи атрофига жойлашган. Югнакда ҳозир шулардан қолган иккى оиласининг авлодлари – ўнга яқин оила истиқомат қиласди. Улар маҳаллий аҳоли билан аралашиб, куда-андада бўлиб кетишган. Хусусан, ҳайдовчилик касбини эъзозлаб, элда эъзоз топган Амирхон моҳирлиги туфайли Қоратовдаги "Йиғлаган ота" зиёратгоҳига олиб борадиган қалтис йўл (йўл тор ва ўнлаб метр баландликда жойлашган) орқали авлиё булогига зиёратчиларни автобусда етказади.

1963 йили Билик қишлоғига Хитойдан ўйғурларнинг 10га яқин оиласи кўчириб келтирилган. Уларнинг вакили – Эргаш Иzzатуллаев номли мактаб директори нинг ўринбосари Гулнора Ибодуллаевадир. Лекин улар кейинчалик Қозогистоннинг Хитой билан чегарадош ҳудудига кўчиб кетишган.

Бу қишлоқ дастлаб Қорсақли сойи бўйида жойлашган олтита ота авлод вакиллари кўчиб келиши билан ташкил топган, деган тахминлар бор. Яъни, Тўқтош, Заргар, Битик, Ҳайдар, Ҳолмат ва Ҳўжа уруғларидир, Қорсақли (кўп қор сақловчи маъносида) сойининг юкори қисми, яъни Қарноқ қишлоғидан ўтувчи қисми Ирмоқ, ундан куйироқдан Қизилйўлдан ўтувчи қисми Шакарбулоқ, энг қуи қисмидан ўтувчи ҳудуд эса Қорсақли дейилади. Бу қишлоқнинг Аҳмад Югнакий номи билан боғлиқлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Қорачиқлик адабиётчи муаллиmlар Махмаджон Раҳматов, Отахон Ганишев ва бошқаларнинг таъкидлашича, Қорачиқнинг қуи қисмидаги кўхна қирқ қопқали Қорачиқ қишлоғининг харобалари бўлган Тўрткўлтепа атрофидаги ёлғиз хароба кулба ичida жойлашган қабр шу алломанини...

Бу ерларга Югнакийнинг қадами текканлиги аниқ. Қишлоқа кўчиб келган ўзбеклар аввал такаликлар (дарвозаликлар) билан Туркистонда бир жойда яшашган, кейинчалик улар Така қишлоғига, қолганлари эса Югнакка кўчиб келишган. Қадимда кўкламда келиб,

Бу қишлоқ жаҳон адабиётига Аҳмад Югнакийдек алломани берган қадим ва табаррук макон. Унинг эски ўрни қишлоқ марказидан тахминан бир неча чақирим нарида, Югнак тепа деган жойда бўлган. Туғма кўр бўлган Аҳмад Югнакий ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Ундан мерос бўлиб қолган "Хибатул ҳақоийк" ("Хикматлар анжумани") китобидан унинг ўн иккинчи асрда яшаганлиги маълум бўлади. Шўролар тузуми даврида бу қишлоқ ўрнида "Коммуна" жамоа хўжалиги бўлган. Мустақилликка эришилгач, Югнак номи яна қайтарилди. Бу номни тиклашнинг ўзи бўлмади: фидойи инсонларимиз тарих китобларини ўрганиб, тарихий музей ва архивларга бориши, Ўзбекистондаги олимлар билан учрашиди.

Иzlанишлар натижасида Ўрта Осиёда Югнак номли учта қишлоқ бўлиб, вилоятимиз маркази Туркистон яқинидаги биз ҳикоя қилаётган макон Аҳмад Югнакийнинг киндик қони тўкилган замин эканлиги аниқланди.

Югнак – қутлуғ макон

дехончилик қилишиб, ҳосилни йиғиб олгач, қишлоғ учун Туркистонга кўчиб кетиб юришган. Кейинчалик шу ерда мўким яшашган. 1929 йили собиқ шўролар тузуми даврида маҳаллий аҳоли мол-мulkини большевиклар тортиб олиб, ҳозирги Югнак ўрнида – юқори томонида "Гадойбирлик", қуи қисмида "Коммуна" ҳамда Чипон қишлоғи ўрнида "Байнамиллап" жамоа хўжаликларини ташкил этишган. Кейинчалик улар бирлаширилиб, "Коммуна" номи билан аталган.

Олис Фарангистондаги Париж Коммунасига бу ернинг алоқаси бор-йўқлиги бизга қорони.

Бугунги кунда Югнак қишлоқ округи ҳокимлиги Югнак, Қизил йўл, Қорсақли, Чипон, Қизил чорва қишлоқлари (Сирдарё бўйида)ни ўз ичига олади. Дастреб 30 оиласдан иборат бўлган бу қишлоқда бугунги кунда 10247 киши истиқомат қиласди. Қишлоқда учта масжид бўлиб, шулардан бирида эскича савод чиқарилган. Абдувонидомла, Тожиддин, Мирхайдар, Аббос қори домлалар ҳалқ саводини чиқаришга чисса қўшишган. Бугунги кунда "Қизил йўл", "Чипон", Аҳмад Югнакий номли учта мактабда 2500дан зиёд ўқувчи ўзбек ва қозоқ тилларида таълим олмоқда.

Илк мактаб 1918 йили Абдураим старшинанинг ўйида очилган. Биринчи ўқитувчилар Султонмурод Қурбонбоев, Бекхон Сайфуллаев ва Жаннат Сатан бўлган. Бу таълим маскани 1932 йили бошлангич, 1937 йили 7 йиллик, 1956 йили 10 йиллик, кейин 11 йиллик мактабга айланган. Одамлари бағрикен, оққўнгил, доим бирбирига ёрдам кўлуни чўзган, ўзаро ахилиноқ бўлишган. Югнак қишлоғи шимол тарафидан Шерт, жануб томонидан Қорачиқ ва Ўрангай, ғарбдан Сувноқ, шарқ томонидан Кентов шаҳри билан чегарадош.

Бугунги кунда Туркистон вилоятининг Сауран туманига қарашли, адирликлар орасидаги қишлоқлариди. Асосий сув манбаси – Қўшқўргон сув омбори. Албатта, катта бир қишлоқ учун бу камлик қиласди. Шунинг учун аҳоли шахсий қудукларидан мотор ёрдамида тортиб чиқарилган сувдан фойдаланадилар. Қишлоқдаги сув тобора тортилиб бораётir, шуро даврида қазилган артезиан қудуклар суви қўшимча манбадир.

Ўзим шу Югнакда ўн йил давомида қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлаганим боис, шонян тарихи ҳақида билганларимни баён этмоқчиман. Шўролар Иттифоқи даврида жамоа хўжалигига Иноят Усмонова, Абдураззоқ Абдураҳмонов, Зиёвиддин Абдураҳмонов, Муталлиб Ирисметов, мустақиллик йилларида Сафидулла Абдухоликов, Ҳудойберган Бегматов, Ирисқўл Айтметов, Ботир Нишонов, Фарҳод Абдуллаев ва бошқалар раислик қилган.

Югнак қишлоқ кенгашига Иноят Усмонова, Темир Абдукаримов, Ирисқўл Айтметов, Муталлиб Ирисметов, Зоҳид Маменов, Шоқарим Фаниев ва бошқалар етакчилик қилишган.

Қишлоқдаги тарихи теран "Коммуна" мактабига қарноқлик Мамаш ака, Ибодулла Умаров, Ҳабибулла Маннолов, Исо Отажонов, Шоқир Ҷамолиддинов, Майраш Усмонова, Поччахон Дадашев каби маориф соҳаси дарғалари самарали раҳбарлик қилишган.

Бугунги кунда ушбу йирик таълим даргоҳини тажрибали устоз Дилмира Файзиева бошқармоқда. Ўзбек-қозоқ ҳалқи тинч-тотув умргузаронлик қилишмоқда. Қишлоқда тумандан биринчилардан бўлиб ГЭС курилган, фермада машинада сут соғиши, механизациялаштирилган чорвачилик мажмуаси йўлга кўйилган, чойхона, бассейн қурилиб, канал қазилган. Бу бошқаларга ўнрак бўладиган даражада аҳоли турмуш фаровонлашганидан дарак беради.

Қишлоқда бойлар кўп бўлган. Айтишларича, Раҳматулла бойнинг ўйида пахса деворини кўтараётган тожиклар дабдурустдан иш ҳақини олмай кетиб қолган. Маълум бўлишича, ҳалигилар ер қазиётган пайтада бойнинг хазинасини топиб олиб, ғойиб бўлишган экан.

Колхода чорвачилик айниқса, йилчилик ва түячиллик тараққий этган. Шунинг учун шу соҳада баракали меҳнат қилган пешқадамлардан уч нафари – Мамит Айтхўжаев, Абдураҳмон Ҳолмирзаев, Жуматай Мўмбековлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган.

Пахтачилик соҳасида ҳам уч киши Қозогистон Олий Советининг депутати бўлган. Улар Зулфия Исманова, Назира Убайдуллаева, Обида Ҳолмирзаевалардир.

Фидокорона меҳнати билан шуҳрат қозонгандар ҳақида гапирсак, маориф соҳасида Мажид Оллоберганов, Раҳим Умаров, Толиб Солихонов, Отажон Қаюмов, Болтабой Ирисбеков, Тошпўлат Зойитхонов, Орзимат Умаров, Ўқтам Қосимов, Тўлқин Абубакиров... бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Пахтачилик бригадаси етакчилари Ироил Отажонов, Икром Убайдуллаев, Қурдатилла Раҳмонов, Поччахон Абдураимов, Раҳимиддин Абдувалиев ва бошқалар. Темир тулпорни жиловлаган механизатор аёллар Марҳамат Абдукаримова, Махмуда Яҳудаева, Марҳамат Мирзасолиева, Фотима Аметова, ирригация соҳасида Нишон оқсоқол, Бобош Эшжонов, Тошпўлат Абдулҳакимов, техника соҳасида Улугбек Абдувалиев, Абдусаттор Юсупов, Дадажон Сайдуллаев, Алихон Шабонов, Абдулла Сулаймонов, пиллачиликда Зиёш Сапиев (бу киши узоқ йиллар колхозда бош агроном ҳам бўлган), Каромат Ҳамидуллаева, қоракўчлилик соҳасида Фаниш Ёқубов, ветеринария соҳасида Ҳолмат Вафоев, Аҳлиддин Мухитов, соғликни сақлашда Саломат Раҳматуллаева, Холиса Солиеva, Озода Маннолова, Марҳамат Абдулламитова, Гулчехра Маннолова, Даврон Абдухолиев ва бошқалар.

Темирчи Бобонтойнинг ўғли Шотемир-

нинг шуҳрати ҳануз эл оғзида. Санъат соҳасида Тўтихон Зайнисхева, Роҳатой Абдуллаева, Ўқтам, Муталлиб, сурнайчи Отакон Ҳўжажаҳонов, карнайчи Отабек Ҷамолиддинов, мусиқа соҳасида Муҳаммаджон Абдухолиев ва бошқалар хизмат кўрсатишган.

Машҳур "Дилшод" бадиий ҳаваскорлик тўгараги концерт дастурлари Қозогистон телевидениесида бир неча бор намойиш этилгани ва республикада нуфузли мукофотларга сазовор бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.


Қишлоқдаги барча соҳа фидойилари номини тўлиқ санаб ўтишнинг имкони йўқ. Мазкур мақолада номлари тилга олинмай қолган муносиб фидойилардан узр сўраймиз.

Қишлоқ марказида Улуғ Ватан уруши иштирокчилари хотирасига ўрнатилган мажмууда 149 кишининг номи битилган. Аслида урушга сафарбар қилинганлар сони 60дан зиёд. Қишлоқ оқсоқоллар кенгashi раиси Фарҳод Абдуллаев, ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тошпўлат Зойитхонов, меҳнат фахрийлари раиси Эркин Дадашев, хотин-қизлар кенгashi раиси Ҳадашев, Ҳолмира Ҳолмираев 38 нафар меҳнат фахрийлари билан кенгashi, тўй тантаналари, таъзия маросимларини ихчамлаштириб, дабдабабозликсиз, исрофгарчиликсиз ўтказиш устида самарали фаолият юритмоқда.

Югнакдан етишиб чиқкан, фан-техника соҳасида иммий изланишлар юритиб қадрдан замин шуҳратини дунёга танитган олимлар билан ҳамқишлоқлари фахрланади. Улар Бобохон Абдусатторов – математика фанлари номзоди, Ўринбой Абдукаримов – биология фанлари доктори, Давлат Абдувалиев – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Назарбаев университетида фаолият юритади. Адҳам Раҳматуллаев – тиббиёт фанлари доктори, Ўмрзок Башаров – фан номзоди, Раҳимжон Отаев (Отаули) – Ўзбекистон Їзуучилар Үюшмаси аъзоси, фалсафа фанлари номзоди. Шавкат Эшметов – фалсафа фанлари номзоди, Иброҳим Отажонов – техника фанлари номзоди.

Мазкур мақолада оламдан ўтган мархумлар, бугунги кунда фаолият юритиб қартиётган ҳамда фахрий ҳордиқ гаштини суроётган фидойи инсонлар исми-шарифларини ҳурмат билан тилга олдик. Ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин, тирикларнинг умрига барака берсин!

**Қодир АҲМЕДОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.**



Ҳар қандай катта иш кичик қадамдан бошланади. Яхши мақсадда бошланган иш ҳам, одатда, түсік-ғовларга дучор бўлиши мумкин. Кимдир жамият равнақи йўлида ташабbus кўрсатади, бошқа бирор лоқайд томошибинлигича қолади. Вақт – оқар сув, вақт – аёвсиз. Кунлар, ойлар, йиллар шиддат ва шитоб билан ўтаверади.

Ижодкор сифатида жамиятимиз ҳаётидаги эътиборли воқеалар ҳақида ён дафтарга қайдлар ёзиб боришга одатланганман. Уларда юртдошларимиз ҳаётига оид, назаримда, кўпчиликка қизиқарли саҳифалар ҳам топилади. Жумладан, “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тарихига оид эсдаликлар шундай қайдлар сирасидан. Бугун эсдалик дафтариға назар солар эканман, уларни таҳрирдан ўтказиб, хотираларни сараладим ва сизларга ҳавола этишга жазм этдим.

Бу лавҳа газетамизга биринчи раҳбар бўлган инсон, таниқли журналист Собиржон Юсуфалиев ҳақида.

Қадрдан гўша

Куни кечагидек ёдимда, 1991 йилнинг апрель ойидан газета «Дўстлик байроғи» номи билан чоп этила бошлади. Бу кўпдан бўён орзиқиб кутилган янгилик эди. Кашшофлар уйида ишлаб юрган кезларим. Ўша пайтда «Дўстлик байроғи» «Мехнат байроғи» газетаси таҳририяти биносида вақтинча ишлаб турди. Собиржон аканинг қабулига кирдим ва газетада ишламоқчи эканимни айтдим. У киши билан илк учрашувим бўлганиданми, харжалай, анча ҳаяжонда эдим ва ажаблантирган нарса – мен ҳақимда деярли батафсил маълумотга эгалиги бўлди.

– Мақолаларингни ўқиганман. Ихчам, равон ва маънодор қилиб, бир сўз билан айтганда, яхши ёзсан. Ёш ижодкорлар бизга зарур, ишга оламиз. Факат, таҳририяtingнинг манзили аниқ бўлсин, албатта хабар берамиз! – деди хотиржамлик билан қатъий оҳангда. Орамизда пайдо бўлган самимий муносабатдан қанотландим ва катта орзу-умидлар билан Сайрамга қайтдим...

Ҳадемай, янги ўқув иили бошланди. Октябрь ойида мени таҳририят вакили Ҳавазмат ака Қўчқоров йўқлаб келди. Орадан кўп ўтмай, вилоят газетасига мухбирликка ишга қабулландим. У пайтда таҳририят Таукеҳан шоҳкӯчасидаги 41-йида фаолият юритарди.

Газетада ишлаб юриб, жуда кўп дўстлар ортиридим. Таҳририят ходимлари Муроджон Абубакиров, Ирисали Жуманов, Ҳавазмат Қўчқоров, Иброҳим Ҳуккиев, Муҳтор Муҳаммедов, Абдумалик Сармонов, Наргиза Сайданова, Пирмат Тошхўжаев, Наргиза Пирметова, Гуландон Эрова, Гулмира Ашурметовалар билан қадрдонлардек бўлиб кетдик.

Собиржон аканинг, аввало, оддий инсон, қолаверса, моҳир раҳбар сифатидаги ажойиб фазилатларини эслатиб ўтиш жоиз. Жумладан, унинг ҳузурига кирган ҳар бир киши, қандай муаммо ёки шахсий масаласи бўлмасин, албатта, кўтаринки кайфиятда чиқиб кетарди. Маслаҳатини ҳеч кимдан аямасди. Газета ходимларидан доимо илғор, ҳамма воқеалардан хабардор бўлиб юришни талаб қилас, журналист – эртанги кунни кўра олиш иқтидорига эга бўлиши керак, деб уқтиради. У биз – ёш ходимларни қийинчиликлардан ҳадикмасликка, ҳар қандай шароитда дадил бўлишга эринмай ўргатар ва даъват этарди. Унинг инсонлар билан тил топиша олиш қобилияти

эвазига қанча-қанча муаммолар тезда барҳам топарди.

Дарҳақиқат, таҳририятиз Собиржон аканинг ташабbusи билан 1992 йили вилоят газеталари орасида биринчи бўлиб компьютерлаштирилиб, газета янги усулда чоп этила бошланди.

Мустақилликнинг дастлабки йиларида таҳририят моддий қийинчиликларга учради. Газета икки саҳифада чиқа бошлади. Ана шундай оғир вазиятда Собиржон ака ҳеч бир иккilanмай, масъулиятни зиммасига олди. 1993 йилнинг декабрь ойида ходимлар мажбурий дам олишга юборилди. Таҳририядта Собиржон ака ёлғиз қолмади, маошсиз ишлашга рози бўлган журналистлар, ходимлар эвазига газета чиқиб турди.

Ўша йили 15 ноябрда Қозоғистоннинг миллий валютаси – тенге жорий қилинганида муҳаррир билан биргаликда таҳририятда тунашимизга тўғри келган.

1994 йилда каминани вилоят Тиллар бошқармасига ишга таклиф этиши. Таҳририят ходимининг шундай нуфузли хизматга ўтишидан қувониб, “оқ фотиҳа”сини берган ҳам Собиржон ака бўлди. 1999 йилгача вилоят Аҳборот ва ижтимоий тутувлик бошқармасида ишлаб, таҳририятга қайтиш истагини билдирганимда, Собиржон ака ҳеч иккilanмасдан аризамга имзо қўйиб берганди.

...Бир куни Собиржон ака ҳузурига чақириб қолди. Менинг Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битирганимни эслатиб, вилоятимизда истиқомат қилувчи миллиатдошларимизнинг орзу-умидларидан бири – ўзбек театрини очиш эканлигини таъкидлади ҳамда мазкур масалани атрофлича ўрганишим ва сўнг муаммоли мақола ёзишини юклиди. Шундай қилиб, тез фурсатда “Бизга театр керакми?” номли мақолам газетада чоп этилди. Бу мақола ўзбек зиёлилари орасида сезиларли даражада қизиқиш уйғотди.

2003 йили вилоят ўзбек драма театри ташкил қилинди ва апрель ойида мени директорликка тайинлашгач. Сайрамдаги бино таъмирдан чиққунича жамоанинг таҳририят биносида фаолият кўрсатишига тўғри келди.

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг 2000 йил 24 мартағи 15-соннида эълон қилинган ўша мақола билан танишинг.

Ҳар қандай катта иш кичик қадамдан бошланади. Яхши мақсадда бошланган иш ҳам, одатда, түсік-ғовларга дучор бўлиши мумкин. Кимдир жамият равнақи йўлида ташабbus кўрсатади, бошқа бирор лоқайд томошибинлигича қолади. Вақт – оқар сув, вақт – аёвсиз. Кунлар, ойлар, йиллар шиддат ва шитоб билан ўтаверади.

Ижодкор сифатида жамиятимиз ҳаётидаги эътиборли воқеалар ҳақида ён дафтарга қайдлар ёзиб боришга одатланганман. Уларда юртдошларимиз ҳаётига оид, назаримда, кўпчиликка қизиқарли саҳифалар ҳам топилади. Жумладан, “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тарихига оид эсдаликлар шундай қайдлар сирасидан. Бугун эсдалик дафтариға назар солар эканман, уларни таҳрирдан ўтказиб, хотираларни сараладим ва сизларга ҳавола этишга жазм этдим.

Бу лавҳа газетамизга биринчи раҳбар бўлган инсон, таниқли журналист Собиржон Юсуфалиев ҳақида.

БИЗГА ТЕАТР КЕРАКМИ?

27 марта ҳар йили Халқаро театр куни сифатида кенг нишонланади. Бу – қадимий санъатга бўлган юксак ҳурматнинг бир белгисидир. Мана, неча асрлардан бери ушбу муқаддас даргоҳ инсонларни ўз бағрига чорлаб, эзгулик, яхшилик, одамийлик каби улуғвор ҳистуйғуларни тарғиб келиб келмоқда. Театр санъати хусусида қанча-қанча тортишувлар, баҳслар, мунозаралар бўлмади, дейсиз? Ҳатто уни санъат сифатида ўйқ бўлиб кетади, деб башорат қилганлар ҳам топилди. Ҳаётнинг ўзи бу фикрнинг нотўғрилигини исбот қилди. Театр санъатининг жамиятимиздаги ўрни, мавқеи, ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида “қанотли сўзлар” жуда кўп айтилганки, ниҳоясига этиш мушкул. Арасту таъбири билан айтсак, театр инсоният учун ўзлигини англашга хизмат қиладиган санъат намунаси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳаётимизни театр санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Вилоятимизда қасби ҳамақор театр жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Биргина Чимкент шаҳрида икки драма, бир кўғирчоқ театри ишламоқда. Ҳа, театр мўъжизакор қудратга эга. Театр – ҳаёт кўзғусидир, деб бежиз айтилмаган. Бас, шундай экан, вилоятда истиқомат қилувчи тўрт юз минедан зиёд ўзбекларнинг буғунги кунда лоақал битта касбий театрни ўйқлигини қандай изоҳлаш мумкин? Чамаси, вилоятимизда ўзбек театри тақдирини ҳал қилиш ҳақида дўлтини бошдан олиб қўйиб ўйланадиган вақт етиш келди. Ваҳоланки, бизга янги велосипед ихтиро қилишининг ҳожати ўйқ. Тарих шоҳид, бир вақтлар вилоятимизда баркамол театр жамоаси бўлган. Ўтган асрнинг 30-40-йилларда вилоятимизда фаолият кўрсатган ўзбек театри тарихини ўрганиш, унинг ижодий изланишлари ва йўлини ёритишга оид биримунча ишлар ҳам қилинди. “Дўстлик байроғи” ва “Сайрам садоси” газеталари шу ҳақда бир неча мақолалар эълон қилди. Ўша йилларда саҳна юзини кўрган “Ошиқ Ғарид ва Шоҳсанам”, “Нурхон”, “Гунчалар”, “Фарҳод ва Ширин” каби спектакллар ҳақида ҳамоюрларимиз ҳануз фахр билан эслашади.

Вилоят ўзбек театрини очиш муаммоси кун тартибида биринчи марта қўйилаётгани ўйқ. Бу хусусда турли йигилиш, учрашув, ўзбек маданият маркази ҳисоботларида ҳам айтиляпти. Аммо фурсат энди пишиб етилган кўринади. Бинобарин, мамлакатимиз

Президенти Н. Назарбаев томонидан ушбу йилнинг “Маданиятни қўллаб-куевватлаш йили” деб эълон қилиниши мазкур масалани мутасадди ташкилотлар олдига кескин тарзда қўйиш ва уни ижобий ҳал этиш учун кенг имконият тутдигради. Албатта, ишга вилоят ўзбек маданият маркази бош-қош бўлмоги лозим. Ўз-ўзидан бизда бунга негиз, пойдевор мавжудми, деган савол туғилади. Театр санъатига иштиёқманд ҳаваскорларни айтмаганинг ўзида, қанча-қанча дипломли актёрлар, режиссёrlар, ҳатто театршунослар борлиги сир эмас. Демак, кадар масаласида муаммо ўйқ. Дарҳақиқат, вилоятимиз санъатга, хусусан, театрга қизиқадиган истеъододларга бой, дейшишимиз муболага эмас. Биргина мисол келтирай: Сайрам туманидаги “Гунча” ҳалқ ашула ва рақс дастаси бадиий раҳбари Абубакир Ҳонхўжаев ижро этган Амир Темур ролини атоқли театрлар саҳнасига олиб чиқишига арзийди. Шахсан ўзим турли йилларда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олган кўплаб ҳамоюрларимизни биламан: чимкентлик Сайдикарим Маҳмудов, Ҳамидулла Қулабдуллаев, сайрамлик Одилжон Тўғонбоев, туркестонлик Ражаббий Утешов, қорабулоқлик Мадазим Султонметов ва ҳақозо. Бу сафга консерватория, маданият институти, маданият техникумини тамомлаган талай мутахассисларни қўшиши мумкин. Уларнинг аксарияти маданият соҳасига баҳоли қўдрат хизмат қилиб келишишади. Гап истеъододларни театр жамоасига жалб этишдагина қолмоқда.

Демак, асосий муаммо бино ва янги тузиладиган жамоани молиявий жиҳатдан таъминлашга бориб тақалади. Назаримда, бино масаласи ҳам дарҳол ечимини топиши мумкин. Ахир бўш ётган маданият ўчқоларидан бирини мана шу хайрли иш учун ажратиб бериш савоб-ку!

Албатта, “Маданиятни қўллаб-куевватлаш йили” деб эълон қилинган ушбу йилда вилоят миқёсида маданият ва санъат ўчқоларини тартибга келтириш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича бирмунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ш. Қалдаяқов номидаги вилоят филармонияси тўла таъмирдан чиқарилди, Ж. Шанин номидаги вилоят драма театрининг мусиқали-драма театрига айлантирилиши, мазкур театрда таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани фикримизга далилдир. Муаммолар етарли, айримлари ўта жиддий ва шунинг ҳам бир кун ёки бир йилнинг иши эмас. Уларни ҳал этиш учун вақт, энг муҳими, маблағ ҳожат. Шундай вазиятда яна бир театр – ўзбек касбий театрини очиш масаласини кўтариши – нечоғли оғир ва мураккаб бўлмасин, буғунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги равшан. Бу ҳақда қуруқ гаплардан аниқ ҳаракатларга ўтадиган фурсат келди. Сиз нима дейсиз, ҳурматли газетхон?

Ўша кунларда бошпана бериб, йўл-йўриқ кўрсатган, талай-талай яхшиликлар қилган Собиржон акадан, таҳририят ходимларидан ҳамиша миннатдорман. Устознинг охирати обод, жойи жаннатда бўлсин!

Зокиржон МУМИНЖОНОВ.



БУЙРАГИНГИЗ ҲАҚИДА ҲАММА НАРСА

НЕФРОЛОГ ШИФОКОР, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ НОЗОДИ НОЗИМА БОБОЖОНОВА МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

НЕФРИТМИ Ё ГЛОМЕРУЛОНЭФРИТ?

Буйракнинг яллиғланишидан келиб чиқадиган нефрит (ёки гломерулонефрит)да асосан буйрак коптоказаларининг томирлари ҳам зарарланади. Касаллик кўпинча ангина ёки стрептококклар кўзгатувчи юқори нафас йўллари хасталигидан кейин юзага келади. Баъзида ўпка яллиғланиши, дифтерия, тошмали терлама ёки ич терлама, қаттиқ совқотиш ҳам нефритга сабаб бўлиши мумкин.



БУЙРАК ТУШИШИ

Нефроптоз – буйракнинг тушиши (яъни, ўз ўрнидан пастга силжиши) демакдир. Туғма нефроптоз буйракни ушлаб турувчи бойламларнинг нимжонлиги оқибатида келиб чиқса, ортирилган нефроптоз эса шикастланиш, бальзан қисқа фурсатда жуда ориқлаб кетиш натижасида ёки ҳомиладорликдан сўнг қорин девори мушакларининг кучизланиши оқибатида келиб чиқади. Дастребки босқичда буйракнинг пастки қисми кўлга илинса (сог одамда буйрак кўлга уннамайди)? иккинчи босқичда буйрак тўлиқ сурилади, учинчи босқичда ҳар томонга суриладиган бўлиб қолади. Нефроптознинг бошлангич даврида бемор деярли ҳеч нарса сезмаслиги мумкин. Фақат вақти-вақти билан (айниқса кўп юриб ёки чопиб келгандан сўнг) буйрак, қорин, киндик соҳасида белга ё қовуқа бериладиган оғриқ пайдо бўлади.

Кейинчалик буйрак томирлари кўпроқ чўзилиб, торайиб боради. Оқибатда буйракнинг қон билан таъминланиши ёмонлашади. Энди бемор нафақат оғриқнинг зўрайганидан, балки унинг қайта-қайта (хатто буйрак санчиғи даражасида) безовта қилишидан ва пешоб рангининг ўзгарганидан шикоят қила бошлайди. Пешоб таҳлил қилинганда эса оқсил ва эритроцитларнинг кўпайгани аниқланади. Хасталикнинг учинчи босқичи нефроген гипертония (буйрак хасталиги оқибатида қон босимининг кўтарилиши) ва қонли пешоб каби асоратлар билан кечади.

мақсадидаги жисмоний машқлар, эрталабки бадантарбия, сузиш жуда фойдала.

Операция усули (нефропексия) да эса тушиган буйрак ўз ўрнига қўйилади ва яна тушилдиган қилиб мустаҳкамланади. Бу усул нефроптознинг асоратлари юзага келмасдан илгари амалга оширилса, кўпроқ самара беради.

ЯЛЛИҒЛАНИШ

Пиелонефрит (буйрак жомининг яллиғланиши) касаллигидир. Эт увишиши, тираб-қақшаш, тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, қаттиқ терлаш, белнинг бир томонида ёки умуртқа поғонасининг икки ёнида оғриқ туриши, кўнгил айнаши, қайт қилиш, оғиз қуриши, мушакларнинг безиллаб оғриши сингари нохуш ҳолатлар пиелонефритга хос белгилар саналади. Бунда беморнинг буйрагидан сийдик ажралиши қийинлашади. Пешоб текширилганда унда лейкоцитлар ва микроблар кўплиги аниқланади.

Шуни айтиш керакки, сурункали пиелонефрит йиллар давомида ҳеч қандай белгисиз кечиши ҳам мумкин, у фақат сийдикни текшириш йўли билан гина аниқланади. Белнинг бир оз оғриқ туриши, сал иситма чиқиши ва бош оғриғи унчалик кучли бўлмагани учун бемор дўхтирга кўринмасдан юраверади. Лекин сурункали пиелонефрит вақти-вақти билан кучайиб боради, бунда албатта тегишли муолажа олиш зарур. Акс ҳолда буйракнинг сийдик ажратиш функцияси ўзгаради, буйрак тўқимаси иши ҳам аста-секин издан чиқади. Натижада

нефроптозни даволаш консерватив (операциясиз) ва оператив усулда олиб борилади. Консерватив усул деганда асосан бандаж тақиши, қорин деворини мустаҳкамлаш ва қорин бўшлиги босимини ошириш йўли буйракни ўз ҳолига келтириш кўзда тутилади. Бандаж қорин пастидан тепага қараб ўралиши, қорин деворини бир текис сиқиб туриши, уни эрталаб ётган ҳолда қўйилиши, кечқурун уйқудан олдин ечилиши керак. Бандаждан узоқ муддат фойдаланиш қорин девори мушакларининг кучизланишига олиб келади. Даволаш

тана азотли чиқиндилар билан заҳарланади.

УЧ ХИЛ ТОШ, УЧТА ДАРД...

Буйрак тошлари жойлашишига ва ҳажмига қараб турлича бўлади. Масалан, урат, оксалат, фосфат тошлари сийдикда шовул кислотанинг кўпайиб кетиши натижасида чўкмалар пайдо бўлишидан сўнг келиб чиқади. Кальций тузининг сийдикдан кўп ажралиб чиқиши оқибатида ҳам тош ҳосил бўлади. Хасталикнинг бу турини даволаш учун парҳезга қатъий риоя қилиш керак. Таркибида шовул кислота ҳамда таркибида тузлар мавжуд бўлган маҳсулотлар (масалан: шовул, исмалоқ, лавлаги, картошка, анжир, олхўри, қулупнай, какао, шоколад, қора чой)ни истеъмол қилиш лозим. Булат организмда оксалат тошлари ҳосил бўлишига йўл қўймайди.

Буйрак тоши касаллиги бор бемор семириб кетишиндани сақланиши, жисмоний ҳаракатда бўлиши, ҳамир овқатлар, нон, шакарни иложи борича кам ейиши керак. Қон-томир, юрак хасталиги бўлмаса, бир кунда икки литргача суюқлик ичиши мумкин. Чунки суюқлик тошларни ювади. Спиртли ичимликлар ичиш асло мумкин эмас. Ичкилик организмдаги тузларнинг эришига тўсқинлик қиласди. Бемор шифокор белгилаб берган парҳезга қаттиқ риоя қилиши зарур.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ ТОШЛАРНИ МАЙДАЛАШ УЧУН

Тошларни майдалаш учун даволаниш мобайнида бемор уй шароитида қўшимча муолажаларни қўллаши, яъни ҳалқ табобати усулларидан фойдаланиши мумкин.

Бўйимодарон ўсимлигидан Ибн Сино буйрак тошини майдалашда ва туширишда фойдаланган. Бунинг учун бўйимодаронни гуллаган пайтида гули билан узиб олиб, сояда қуритилади. Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйилади ва ўсимликнинг ер устки қисмидан бир ош қошиқ согиб, 1 соат дамланади. Сўнгра докада сузилади. Дамламадан кунига 3-4 маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади. Бемор 10 кундан сўнг 3-4 кун дам олиб, муолажани яна тақрорлади.

ИБН СИНО МАЛҲАМЛАРИ

Семизёт ўсимлиги таркибида кўп миқдорда витамин С, қанд, алкалоид, гликозид, фосфор, кальций унсурлари бор. Ибн Сино унинг дамламасини буйрак хасталикларини даволашда қўллаган ва ўта шифобахш



еканлигини алоҳида таъкидлаган.

Дориламаган қовун эти ҳам бу касалга даводир. Узум шарбатини истеъмол қилиб турish янада фойдали. Бундан ташқари, Ибн Сино



бехининг сиқиб олинган шарбатига асал ва сирка қўшиб шифобахш дори тайёрлаган.

САРИМСОҚ ВА ТУРП КОНИ ФОЙДА

Маккажўхори ҳам буйрак безларининг фаолиятини яхшилади. Қадимий Шарқ табобатига оид қўлэзмаларда қўйидаги шифолар хусусида айттиб ўтилган: нўхатни эзиз, бир чойнакка аччиқ қилиб дамлаб, мунтазам ичиб юрилса, буйрак ва қовуқда пайдо бўлган тош тушиб кетади, саримсоқни пишириб, турп уруғи билан бирга истеъмол қилинса, буйрак тошининг тушишига ёрдам беради.

ҚУМГА ҚАРШИ

100 грамм томирли барра петрушка ва бир дона каттароқ сельдерей томирини майдалаб тўғраб, унга 100 грамм тоза асал ва бир литр сув қўшилади, сўнгра паст оловда қайнағунча аралаштирилади ва сўнг уч кун тиндириб қўйилади. Кейин яна бир литр сув қўшиб қайнатилади ва со-вутмасдан туриб, докадан сузилади. Тайёр бўлган ичимлик уч ош қошиқдан овқатдан олдин ичиб турилса, буйракдаги қумни туширади.

БУЙРАК ОГРИГИГА ҚАРШИ



Буйракда пайдо бўлган тош кишига азоб берса, брезовта қилса, темиртиканак ўсимлигидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўсимликнинг юқори қисмидан дамлама тайёрланади. Шу дамламага ток зангининг кулини аралаштириб ичиб туриш тавсия этилади.

“Саломатлик энциклопедияси”дан.

Икки кўшини, икки дўст,
Ошна, бовур, ширин сўз.
Ўзбек, қозоқ миллати,
Бириси қош, бури кўз.

Ўртоқ фикр, ўйи ҳам,
Ўртоқ аза, тўйи ҳам.
Дини ҳамда дастури,
Бир асоснинг бўйидан.

Азал қардош, биродар,
Ҳаққа ёндош – биродар.
Расулулоҳ уммати,
Ақидада баробар.

Икки эл – қардош

Шоир ҳамда оқини,
Икки элнинг яқини.
Гуллатгани ҳақиқатам,
Адабиёт богини.

Навоийнинг зиёси,
Абайда бор қиёси.
Элга кулгуз улашган,
Айтишув, асқияси.

Ҳар соҳада ҳамкорлик,
Ҳар жабҳада ғамхўрлик.

Икки миллат гояси –
Ҳар доим, ҳар дам кўрдик.

Бури ери каби кенг,
Бури оқ олтинга тенг.
Келганга ҳозир оши,
Хоҳланг бешбармоқдан ёнг.

Олинг қази, тандирдан,
Буғдои бундан, нон ундан,
Мехмондўстлик одати,
Кўзларни қувонтирган.

Бури бий, бириси бек,
Ҳамжиҳат – ораси берк.
Сийлайман икки элни,
“Кўзимнинг қораси”, деб.

Икки қардош, икки эл,
Очиқ чехра, очиқ кўп.
Қозоқ, ўзбек миллати,
Минг яшагин, омон бўл.

Холдор АБАТОЕВ.

Кимга ҳазил, кимга чин

– Мол топдим, деб бир дўстимнинг хотини.
Жанжал қилар, чиқармоқ бўб отини.

– Ишдан келсан, тайёр эмас овқатим,
Айтавериб қуриди-ку тоқатим.
Солиҳ эрлар уй ишига қарашар,
Идиш-товоқ ювса ҳамки, яратшар.

Аёл шоша, туфлисини тозалаб,
Кундан-кунга эъзозлаши ҳам ошар.

Ажинлар тушмасин, дёя юзимга,
Қиласман пардоғни қараб ўзимга.

Дедода, сўнг ўзи ўланиб қолди,

Қандай жавоб қайтарар, – дер сўзимга.

– Тилинга эрк бериб, бермагин озор,

Ёр валига бир кун бўлиб қолма зор.

Фарзандимни маҳрум этиб отадан,

Маломатда яшармисан баҳтиёр?

Кўпкар чопиб аёл улок олмайди,

Ҳақоратлаб ёрин, обрў топмайди.

Ор-номусин ўйқотади баъзилар,

Вайсайвериб, оғзин асло ёпмайди.

Бошда дўппи, белда белбог, йигитман,

Бола-чақа дейман, елкамда кетмон.

Эркаклик бурчини адо этурман,

Қуюшқондан чиқиб, хайқириб кетманс.

– Ҳазилни тушунмайсиз, кўрқиб кетдим,

Ҳазил туби зиллигин тушуниб етдим.

Синоғдан ўтдингиз, дадаси аъло,

Дог тушмагай, эркак зотига, деди.

– Ҳазилга ўт тушсин, ҳазилнинг кўй,

Ўглимиз улғайиб, чўзиб қолди бўй.

Тинчлик-хотиржамлик бўлса агарда,

Шу ўил қузда албатта, қулурмиз тўй.

– Эр хотин бир бўлса, агарда, ука,
Үйда бўлар файзу ҳамда барака.

Бури кам дунёни тўлдириб бўлмас,

Шод ўтар бирлиқда тўй ҳам маърака.

Чоға қишлоқ

Чоға қишлоқ чоғ қишлоқ,
Жаннатмакон боғ қишлоқ.
Одамлари серғайрат,
Мехнатидан бўлар шод.
Боғларида булбуллар,
Ҳар тонгда хониш қилар.
Тарқалади хунараво,
Ҳар дардга бўлур даво.
Жуда гўзал сўлим жой,
Ошиқ бўлиб оқар ой.

Ўша қишлоқ фарзанди,
Пўлат тўпар саксонга.
Ўқилсин шеъру достон,
Жар солинглар ҳар ёнга.
Минг афсус орамизда,
Пўлат шоир ўзи ўйк.
Руҳини шод этайлар,
Кўнгиллари бўлсин тўй.
Янгасин карнай-сурнай,
Даврада шодлик садо,
Ҷарасин ёшу қари,
Байрамимизга марҳабо.

Ҳақиқатдан воз кечма

Сенга атаб шеър битдим,
Ўқисина, жон болам.
Ақлу хушиңг борку-я,
Мехриңг қўйиб бўл ҳамдам.
Ота-она борида,
Эъзозлаган ютади.
Этолмаса агар шод,
Минг афсусда ўтади.
Бу дунё етари ўйк,
Бўлмас асло тўлдириб.
Қийнайверма ўзингни,
Рангинг қўйма сўлдириб.
Қайси ота истайди,
Фарзандин хор бўлишин.
Қайси фарзанд истайди,
Отага зор бўлишин.
Қарипликда қариплик,
Бир кун борсан, бир кун ўйк.
Бўлсаларинг бағримда,
Кўнгил бўлар эди тўй.
Дерлар дийдор ғанимат,
Бу беш кунлик дунёда.
Аллоҳ ўзи асррагай,
Умринг бўлгай зиёда.
Қайси ерда бўлсанг ҳам,
Қаторингдан бўлма кам.
Дард кўрмасин кўл-кўзинг,
Бўлгин соглом, бўл бардам.
Кўймасинлар Ҳудойим,
Шодлик ҳамда кулгидан.
Асло жудо этмагай,
Берган ризку мулкидан.
Кўрганимиз тўй бўлсин,
Шуҳарт топгин ҳар ишда.
Оқ-корани таниб сен,
Машъал бўлгин турмушда.

Кўши хотинлик

Қулоқ осмай ўландим,
Зокир қизиқ гапига.
Тезда қўшиб олишиди,
Хотинбозлар сафига.
Тинч ҳаётим бузилди,
Сотиб опдим урунши.
Уруши ҳам майлига,
Жанжалга кон турмушни.
Куз келса дараҳтларнинг,
Барги аста тўқилар.
Дош беролмай юрагим,
Чоқи бир-бир сўқилар.
Бошим қолди чор ичра,
Эр талашу, мол талаш.
Топлиш керак бир чора,
Беролмай қолдим бардош.
Қўши хотинлик ёмон дер,
Умринг ҳазон этади.
Белдан кувват кетганда,
Сени ташлаб кетади.

Терма қўшиқ

Ёғоч ёрсанг билиб қўй,
Тараашаси учади.
Кайфи ошган эркаклар,
Дуч келганни қучади.
Совутгичга гўшт солсанг,
Дам ўтмайин музлайди.
Ичib келган эркакни,
Уйда хотин тузлайди.
Эр ва хотин тортишар,
Ўртасида битта шим.
Шимни икки бўлишиб,
Сўнгра бўлиб, қолди жим.
Бог гулласа гуллари,
Умри қисқа бўлади.
Ўйламайин сўзлаған,
Оғримайин ўлади.
Чиройли аёлларга,
Чиройли гап яратшар.
Иzzат ҳамда икроми,
Кундан-кунга ҳам ошар.
Китоб очсанг, авайла,
Йиртилмасин вараги.
Билмаганлар билсинлар,
Аёл – ўйнинг чироги.
Қачон кўрсанг ўйимиз,
Сарони саришта.
Не истасанг муҳайё,
Нуксони ўйқ фаришта.
Ўша учун чароғон.
Эрта-ю кеч хонамиз.
Омон бўлсин ҳар доим,
Опа, сингил, онамиз.

Уйланишини истасанг

Уйлангинг келса агар,
Қизларнинг сарасига.
Парво қилма ҳеч маҳал,
Оқ, сариқ, қорасига.
Сенга содиқ ёр керак.
Ор-номуси бор керак.
Яхши-ёмон кунингда,
Дилкаш вафодор керак.
Гўзаллар бор димогдор,
Ўзин осмон тутади.
Бир хотога ўйл қўйсанг,
Ўзга ёрни кутади.
Илми, одоби бўлса бас,
Гулираённи излами.
Сўнгра эса дод солиб,
Нор түядек бўзлами.
Бой қизида ноз бўлар,
Саховати оз бўлар.
Тенгинг топиб ўйлансанг,
Ўйда баҳор, ёз бўлар.
Қадди расо ёр керак,
Ақли хуши бор керак.
Эрназар сўзи малҳам,
Бир парий рухсор керак.

Эрназар РЎЗИМАТОВ.

Ҳалиқасб ҳақида эҳтироми ила

Устоз – соғ-
дил, камтари, маънавий бой, ах-
лоқан пок инсон-
дир. У – бор ғай-
рати, тафаккури,
билими, тажриба-
си ҳамда меҳрини
шогирдлари камо-
лоти йўлида са-
фарбар этадиган
заҳматкаш шахс-
дир.

Кентов шахри-
нинг Эски Иқон
қишилогидаги 25-сонли умумий ўрта мактаб-
нинг бошлангич синф ўқитувчиси Назира Ни-
шонбоева ана шундай, ҳаётини маърифатга,
маънавиятга баҳшида этган маърифатпар-
вар устозидир.

Назира Амирхон қизи – 1961 иили 18 июн-
да таваллуд топган. 1978-1982 йилларда
Сирдарё Давлат педагогика институтида таҳ-
сил олиб, олий маълумотли муаллима бўлди.

Ҳаётининг 36 ийлини маорифга ва таъ-
лим-тарбия соҳасига бағишилган камтари
устоз умр йўлдоши Абдуваҳоб ака билан
икки ўғил, бир қиз тарбиялаб, етти невара
кўрган пири бадавлат оила соҳибасидир.

Назира Амирхон қизининг иқтидорли шо-
гириларни мамлакатимизнинг турли бурчак-
ларида эл-юрт равнақи йўлида фидокорона
меҳнат қилмоқда. Заҳматкаш муаллиманинг
самарали меҳнати мактаб маъмурияти, қиши-
лоқ ҳокимлиги, шаҳар таълим бўлими, ви-
лояят таълим департamenti томонидан муно-
сиб тақдирланган. Фаҳрий хордикقا – нафа-
қага чиқиши арафасида Назира Нишонбоева
«Таълим соҳасининг илғори» медали билан
тақдирланди. Мукофот муборак бўлсин!

Устозга сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат,
фарзандлари, неваралари ҳамда эваралари
камолини кўриб, умр йўлдоши билан қўша
қаришини тилаб қоламиз.

Мактаб жамоаси.



ТАҚДИР

Бу дунёнинг синови кўп дейдилар,
Билишмайди буни аммо баъзилар.
Ҳаётидан нолиб ўтар нодонлар,
Ўз тақдирин ёзар ўзи қўлида.

Ақл билан иш юритса бўлгани,
Пешонадан кўравермай барини,
Ўзига-ўзи кўр, қазиб гўрини,
Ўз тақдирин ёзар ўз қўлида.

Адашса ким агар тақдир ўйлида,
Ширин дамлар бўлмас ундаид одамда,
Қайғу эса дилни ёзар гоҳида,
Ўз тақдирин ўзи ёзар қўлида.

Мехр билан қараб агар оламга,
Чин дилидан баҳт тилаб ўзагага,
Берилмайди асло қайта бу ҳаёт,
Ўз тақдирин ўзи ёзар қўлида.

**Олтиной ЖОНДОРБЕКОВА,
1-сонли мактаб-гимназия ўқувчиси.**

Сайрам тумани, Қорамурт қишилоги.

Директор-Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркестон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира САҶДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сийёсий газетаси